



933 йил раббиул аввал ойининг ўн олтиси. Милодий хисобда 1526 йил 23 декабрь. Дехли. Юзма-юз жангда бас келолмаган Бобур муҳолифлари нотанти йўл тутадилар. Баковулни кўлга олиб, овкатига захар кўшадилар.

У раббиул аввалнинг йигирманчисида (27 декабрь) Кобулга ўгли Хумоюнга ёзади: «Одина куни кеч намози дигар ош тортилар. Товушкон ошидин хейли едим... Кок гўштдин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди... кўзголиб келди... Охир кўрдумким, бўлмас, кўптум. Обхонага боргунча йўлда бир навбат кусаёздим... Обхонага бориб калин кустум. Харгиз ошдин сўнг кусмас эдим, балки ичгандан сўнг хам кусмас эдим. Кўнглумга шубха кечти. Бовурчини сахлатиб буордимким, ул кайни итга бериб, итни сахлагайлар. Тонгласига бир паҳрага ёвук ит бехол бўлуб, корни дам килгондек бўлди. Хар неча тош била урдилар, эвруштилар, кўпмади...»

Бу хат «Бобурнома»да келтирилган. Тарих гувоҳки, Бобур баҳтли тасодиф билан ўлмай колди, лекин бу воеа унинг соглигигагина эмас, руҳига хам каттиқ таъсир этгани аник. «Бобурнома»да у фарзандларига, хусусан, Хумоюн ва Комронга ушбу «гариб воеа»ни хат оркали маълум килганини кайд этади. Жумладан, раббиул аввалнинг йигирма тўккизида (1527 йил 4 январь) айборларга даҳлдор бир кишини (Иброҳим Лўдийнинг ўглини) Комрон кошидан келган Мулла Сарсон билан кўшиб юборганини хабар килади. Лекин Комронга юборилган мактуб «Бобурнома»га кирган эмас.

1972 йили Козон дорулфунуни кутубхонасида сакланаётган ўзбек адабиёти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, дафъатан Бобурнинг ўгли Комронга ёзган хатига дуч келиб колдик. Мазмунига кўра бу ўша Мулла Сарсондан юборилган мактуб эди. Мактуб кўлёзманинг кўчирилган нусхаси бўлиб, «Насихатномаи Бобуршох ба фарзанди худ» (Бобуршохнинг ўз фарзандига насиҳатномаси) номи билан 1272-Т раками остида кутубхонанинг «Нодир кўлёзмалар бўлими»да сакланмокда экан. Козон дорулфунуни доценти, таникли татар адабиётшуноси Хатиб Минигулов илтимосимизга кўра мазкур мактубнинг фотонусхасини олиб юборди (имкондан фойдаланиб, миннатдорчилигимизни билдирамиз).

Дарвоке, хатнинг качон, каерда, ким томонидан кўчирилгани хакида бир нарса дейиш кийин. У бирмунча эътиборсизлик билан кўчирилган бўлиб, талай галат ва кусурлардан холи эмас.

## **НАСИХАТНОМАИ БОБУРШОХ БА ФАРЗАНДИ ХУД ХАЗРАТИ БОБУРШОХ ГОЗИЙ ТОБАСАРОХ АЗ ХИНДУСТОН БА КАНДАХОР ФИРИСТОНИД БА ФАРЗАНДИ ХУД МИРЗОЙИ КОМГОР**

Фарзанди аршаду аржуманд саодатнишон Мухаммад Комрон баходирга саломи мухабbat анжомидин сўнг ул-ким, кўкалдошу эмикдош ва ичкиларинг билан сабак ўкурга ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жихаттин кўнгулга сурур ва хотирга хузур етиб, на бисёр хушхоллик юз берди. Тенгри таоло даргохидин умидим борким, жамъи кобилият ва салоҳият бобинда, комил ва мукаммил бўлуб камолга етгайсен. Хамиша ушбу тарийкни маръий тутуб, зинхор таксир килмагайсен. Нечукким, хазрати Хожа Хофиздин манкулдур:

Пирон сухан зи тажриба гўянду, гуфтамат,  
Хон, эй(писар), ки пир шави, панд гўш кун!

(Таржимаси: «Улуглар гапларини тажрибаларига суюниб айтадилар. Эй ўгил, улуг бўлсанг хам насиҳатимга кулок сол».)

Эшиттимким, Чигатой эликим, хазрати магфур ва мархум Султон Ҳусайн Мирзодин колибтурларким, ул эл (нинг) кўпрак Ҳурросон эли билан ўлтуруб-кўйуб, бисёр кобилият ва хайсият пайдо килиб, латофатдин холи эрмаслар. Агарчи, Ҳурросон эли хуштабъ элдурлар, хайсиятларида сўз йўктур, локин мазхаб ва миллатларида танг бор. Фитнаангиз элдурлар. Ўгулни отодин, анони ўгулдин ойуурлар. Уларни(нг) сўзига фирифтан бўлуб, ўз эҳтиётинг(н)и кўлунгдин бермагайсен. Турк улусидин отоси кўл бошлаган, аноси тўй бошлаган (?), тўра кўрган эл борким, оталари ота-онамизга хизмат килиб, жон тортиб, иссиг-совугда, сафар ва хазарда бирга бўлуб, лахза балки ламха айрилмаян. Хизмате шоиста килиб ва пандин-да баржой келтурублар. Ул элдин имтихон килиб, (сен) эшикинга йўл беруб, вакили мутлак этиб, гофил бўлмагайсен. Кичик ёшлиқ эрса, алардин кенгаш сўруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи билан амал килиб, асло ва мутлако хеч мухимга иштигол килмагайсен. Андишалик беклар илан (ва) олийрой карочу давлатхохларким, хамиша мухим ва маслаҳат ичинда бўла келиб туралар, аларнинг савол-жавоб ва кенгашларидин чикмагайсен. Хушомадгўй сўзига фирифтан бўлуб, давлатхохларким, давлатга муносаб сўзни эшитиб, кўруб-билиб, келиб, юзунга котик айтурлар, аларга ачиғ(лан)магайсен. Агарчи юзунга филхол коттик кўринур, охир неча кўб кулдирур.

Масалдурким, дўст йиглатур, душман кулдура айтур. Дўсту душманни тониб, бу мазмун ила амал килгайсен.

Мисра:

Жойе гул-гул бош ва жойе хор-хор.  
Таки Кандахор черики эҳтишомдур.

Хар кайси кичик-каримнинг сўзи билан ул сори отлангувчи бўлмагайсен. Агар зарурат бўлуб, кобу тобиб, отланур бўлсанг, иш бошлаган, мажолис кўрган, тўра-тўқай кўргон, тузук килгон давлатхохларинга кўнгул бериб, яхши айтиб йибор. Элдин яхши сўзунгни айтиб, мукаммил бўлуб, истеъдоди тамом билан мутаважжих бўлгайсен. Йирок-ёқиндин эшитурга ва кўуруга муносиб бўлгусидур.

Таки ножинс, камзот, хар неча хуштабъ ва кобилиятлик бўлсалар, тарбият килуб, амури мамлакатга дахл бермагайсенким, хазрати Шайх Саъдийдин манкулдирким:

Нокас бо тарбият нашавад, эй хаким, кас,  
Дар бог лола рўяд ва дар шўра хору хас.

(Таржимаси: «Нокасни тарбия билан инсон килиб бўлмайди, эй хаким, чунки богда гул унади, шўрхокда эса хас-хашак битади»)

Хазрати мавлоно Жомийдин бу китъа машхурдур:

Харки нокас бувад дар аслу сиришт,  
Мункалиб натавон кардан, эй жигар.  
Нокасеро агар куни маклуб,  
Калбе у гайре баста кай нашавад.

(Таржимаси: «Кимки пасткаш бўлса, уни тузатиб бўлмайди, эй жигар. Уни одам килган такдирингда хам калби ўша холда колади-ку»)

Таки Мовороуннахр эли бисёр содалавх элдурлар. Хар нечай бекобилият бўлсалар, аларга эътимод килса бўлур. Таксис ул курси шабистонининг шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби суханвари хазрат Хожа Убайдуллохким, имдод килибтурлар, то гоят бу ишларни(нг) давлати ул азизларнинг химматидиндор.

Ул силсиланинг мурид ва асхоби подшохзода деб сенга келсалар, зинхор акром ва эъзозларини маръий тутиб, аларнинг борисида таксир килмагайсен. Аларким, ишк бобинда бўлурлар, севарларнинг итини хам севарлар.

Таки Хиндустан кайфиятин фатхномадин маълум килгумдур. Иброхимким, Хиндустан подшохи бўлгай, анинг ўгли кўлга тушубтур. Ани сен фарзанди дилбандга йиборилди. Нечукким, анинг ахволиндан хабардор бўлуб, ўзунг муқайяд бўлгайсен. Мундин сўнгким, хар воеаи юз бер-са, ирсол килгумдур. Вассалом. Хуснунг назорасида пайвастамиз.

Рахгузир йўқ. Сўз ушбутирки: Жоно, холикдин ўзга сўз йўқ.

Бегали Косимов